



# ТОШКЕНТ



ШАҲАР  
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ  
ГАЗЕТАСИ

# ДОШДОМ

Дом олиш  
сонида:

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 55 (9.247) 1999 йил 14 май, жума Сотувда эркин нархда

## ДАВР САДОСИ

Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 13 май куни Оқ саройда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ижроия кўмитаси раиси Юрий Яровни қабул қилди.
- Матбуотда «1999—2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинган.
- 13 май куни Олий Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халиловнинг Буюк Британия Парламенти Қўйи Палатасининг ташки ишлар бўйича кўмитаси раиси Дональд Андерсен бошчилигидаги шу мамлакат парламент делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди.
- Пойтахтимиздаги «Шодлик Палас» меҳмонхонасида МДХнинг давлатлараро иқтисодий кўмитаси қошидаги Халқаро автомобиль транспорти иттифоқи билан алоқалар бўйича кўмитанинг учинчи йиғилиши бўлди.
- Ялтада бўлиб ўтган «Крим, Коньяк — 99» халқаро танловида Ўзбекистон, Украина, Молдова, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Туркменистон ва Қозоғистондаги шароб ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг юз хилга яқин коньяклари нуфузли ҳайъат эътиборига ҳавола этилди. Унда Бухородаги «Шохруд» ҳиссадорлик жамиятининг «Бухоро» маркали коньяги қумуш медалга сазовор бўлди.
- Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан эълон қилинган «Наврўз — боқий байрам» курик-танловни ниҳоясига етди.

## ЖАХОНДА

- Россия Федерациясида ҳукумат алмашди. 12 май куни Президент Борис Ельцин Бош вазир Евгений Примаковни вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.
- Бугун Россия Федерацияси Давлат Думаси Президентнинг импичменти масаласи муҳокамасини давом эттиради. Эртага депутатлар Б. Ельциннинг ҳокимиятда қолиш-қолмаслик масаласи юзасидан овоз беришга тайёргарлик кўришмоқда.
- «Толубон» ислом ҳаракатининг ҳарбий кучлари Афғонистон марказидаги Бамидан шаҳрига ҳужум қилиб, ун ҳафта олдин бой берган ҳудудларни қайтариб олишди.
- Сайловчиларнинг кўпчиликл овозига эга бўлган К. А. Чампи Италиянинг ўнинчи президенти бўлиб ҳисобга кирди. Ҳозирги давлат бошлиғи О. Л. Скальфаронинг бошқарув мuddати эса 23 майда тугайди.
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари М. Робинсон Югославияни бомбардирмон қилиш бошлангандан бери 1200 тинч аҳоли ўлдирилганлиги ва 5 мингга яқин киши эса жароҳат олганлигини айтди.

**Ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва бақувват, руҳан чишиққак қилишлар қилиб тарбиялаш масалалари ҳақида давлатимиз ва шахсан республика Президентининг диққат марказида бўлиб келаятгани маълум. Болаларимизнинг — келгуси авлодларнинг биздан кўра яхшироқ, бахтлироқ ҳаёт кечирishi таъминлаш ишлари мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида давлаткор интилади.**

Севимли мактаблари кучоғида болаларимиз салкам тўққиз ой давомида таълим ва тарбия олиб келдилар. Яна бир неча кундан кейин мактабларимизда сўнгги кўнги-роқлар жаранглаб, жигарғушаларимиз билим дилланояларининг яна бир поғонасидан кўтарилганларидан дарак беради. Табиийки, шу кундан уларнинг ёзги таътиллари — дам олиш мавсумлари бошланиб кетади. Шунга фахр билан таъкидлаш жоизки, болаларнинг ана шу уч ойлик ҳордиқларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг соғлиқларини тиклаш бутун мамлакат диққат-эътиборида бўлади.

## Пиру бадавлатларимиз



## МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ

«Қари бор уйнинг зари бор» дейди халқимиз. 90 ёшга яқинлашиб қолган Ойтўра она яшайдиган Юнусобод туманининг Фуломмаҳмуд Абдуллаев номи маҳалласида жойлашган бу хонадон ораста ва саранжом-саришталиги билан ажралиб туради. Бу ердан қачон ўтсангиз эшик олди сув сепилиб, сулуриб-сидирилган бўлади. Ҳовли саҳнига ақилган турли-туман гуллар ҳиди димоғингизга урилиб, дилингиз ёришади.

— Озодалиқда ҳикмат кўп, — дейди онахон бир пиёла чой устида. — Эшикдан кириб келган меҳмон — хонадон соҳибининг қандайлигини дастлаб уй ва ҳовлининг туриш-турмушидан билиб олади.

Шунга қараб унга баҳо беради. Онахондан фарзандлари ҳақида сўраймиз.

— Саккиз болани тарбиялаб катта қилдим. Уларнинг ҳаммаси юртга фидойи инсонлар бўлиб етишишди, ўқимшили. Тўнғичим — Адҳамжон узок йиллар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконкомпаниясида ишлаб, яқинда кексалик таътилига чиқди. Зиёмжон — қўшма корхонада ишлайди, Асом — биолог олим. Ҳусан — қурувчи, Нуриддин — корхонада бош муҳандис, қизларим ҳам турли касоб эгалари.

Онахон сайр қилишни ёқтирадилар. Кечқурун ўғиллари навбатма-навбат у кишини шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига олиб боришади.

— Мустақиллигимиз боқий

бўлсин, — дейди Ойтўра она бизга. — Унинг шарофати билан шаҳримиз шу қадар ўзгариб кетдики, кенг ва раvon кўчалар, осмонўпар биноларни кўриб кўзинг қамашади. Юртимизда рўй бераётган ангиликларни кузата туриб, беихтиёр ҳиммати баланд, инсонпарвар ва юртпарвар Президентимиз Ислам Каримовга қайта-қайта раҳматлар айтишни келади киши. Илоҳим Юртбошимизнинг умрлари узун бўлсин. Дилларида нимаики яхши ният ва истақлари бўлса, амалга ошсин. Биз кексаларнинг дуоиси ижобат бўлади.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ,  
Рустам Шарипов  
олган сурат.**

## Ёзги таътил

# ТАЙЁРГАРЛИК ПУХТА БЎЛАДИ

Шу анъанага кўра, Тошкент шаҳар ҳокими ва шаҳар қасаба уюшмалари кенгаши раёсати яқинда «1999 йилнинг ёзги таътилли даврида болаларнинг дам олиши ва уларни соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Унда туман ҳокимликлари, бошқармалар, қасаба уюшмаларининг тармоқ кўмиталари, тасарруфида болалар соғломлаштириш оромгоҳи бўлган барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари зиммасига шу йилги ёз мавсуми давомида болаларни дам олдириш ва уларни соғломлаштириш ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш вазифаси юкланди. Жорий йилнинг 25 майгача барча оромгоҳларда ўқувчиларнинг маънавий ва меҳнат тарбияси, соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт ишларини намунали ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар му-

ҳайё қилиниши керак.

Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, савдо, хизмат кўрсатиш соҳалари раҳбарлари оромгоҳларни малакали кадрлар билан таъминлаш чораларини кўриш топширилди. Болалар оромгоҳларини сифатли озик-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш бўйича қатъий тартиб ўрнатилиши белгилаб қўйилди. Ўқувчиларни оромгоҳларга ханфхатарсиз ва қулга шароитлар яратилган ҳолда етказиш ҳамда уйлари қайтариб олиб келиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун аниқ курсатмалар берилди.

Мустақиллик байрами тантаналарида иштирок этувчи болалар алоҳида эътиборда бўлади. Улар август ойининг бошларидан 26 кун давомида шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасига қарашли «Гулбахор», «Сувос» трестининг «Зиёлола», «Тошшаҳарйўловчтранс»

Давлат уюшмасининг «Трамвайчи» санаторий типидagi оромгоҳларида ҳордиқ чиқарадилар. Шаҳар ташқарисидagi оромгоҳлардан ташқари пойтахтдаги умумтаълим мактаблари ҳошида ташкил этиладиган болалар муассасаларида кўшимча равишда 2500 ўқувчининг дам олиши ҳам белгилаб қўйилди.

Маълумки, пойтахт корхоналарининг ёзги оромгоҳларида Оролбуйи болаларини дам олдириш ва соғломлаштириш доимий анъанага айланган. Бу йил ҳам оромгоҳларимиз Қорақалпоғистон Республикасидан 2500 нафар болани ўз бағриларига оладилар.

Хуллас, пойтахт болаларининг бу йил ҳар қачонгидан ҳам мароқли дам олишлари ва куч-қувватга тўлган ҳолда янги ўқув йиллини бошлашлари учун оромгоҳларимизда барча шароит муҳайё бўлади.



**Тошкентда  
биринчи мартаба  
1999 йилнинг  
5—13 июнь  
кунлари  
пойтахтнинг  
«Динамо» спорт  
мажмуаси теннис  
кортларида аёллар  
ўртасида  
TASHKENT — OPEN  
халқаро турнири  
ўтказилади.**

# ПОЙТАХТ ҲАЁТИ: янгиликлар, воқеалар, муаммолар

## Тадбирлар

### ЎЗГАЧА НИШОНЛАШДИ

**Юртимизда байрамлар кўп. Уларнинг ҳар бири ўзига хос руҳда нишонланади. Қуни кеча мамлакатимизда илк бора нишонланган «Хотира ва Қадрлаш кунини» иснослар қалбидоғи ўчмас хотираларни яна бир бор жўш урдириб, одамларни меҳр-оқибатга ундади. Яна шуниси билан эътиборлики байрам қадрларини урчатириди, қалблардоғи эҳтиромлар, ширин туйғулар тилларга кўчи, юрак соғинчилари кўзларда аён бўлади.**

Пойтахтимиздаги «Юлдуз» ҳиссдорлик жамиятида бўлиб ўтган тадбирда байрам дастурхонига уруш қатнашчилари, жамоада меҳнат қилиб ҳозирда қариллик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари тақдир этилдилар.

— Бу ерга йилгиланлар жамозимизнинг фахрлари, — дейди ҳиссдорлик жамияти раиси Абдувахоб Тошпўлатов, — уларнинг айни дамдаги шодон чехларига, бир-бирларига меҳрларини қўриб, тўғриси Президентимиз Ислам Каримовнинг 9 майни — «Хотира ва Қадрлаш кунини» деб эълон қилганларидан нихоятда гурурланиб кетдим. 55 нафар уруш қатнашчиси ҳамда корхонамизда ишлаб кетган меҳнат фахрийларининг барчасига моддий ердан ажратдик. Уларнинг бундан кўнглилари тоғдек кўтарилди. Хотира ва қадрлаш — муқаддас туйғу эканлигини ушбу тадбирда қатнашаётган ҳар бир инсон чуқур англаб турибди. Йилгиланлар фахрлари, даврларини эслашди, бир-бирларига соғлиқ, жонжон корхонаси фаолиятига ривож тилашди. Санъаткорларнинг қишқилари эса даврага аянам фазл бағишлади. Бир зумгина бўлсада ёшлиқларини кўмсаган фахрийлар бир-бирларини рақсга қоралдилар.

— Ушбу фазилти дастурхонини ташкил этиб бизчиси эҳсослаган жамоамизга раҳмат, — дейди 34 йил корхонада тикучи бўлиб ишлаган Хуриниеса ая Юсупова. — Бу кўрсатилмаётган ҳурмат-эҳтиром эртага уларнинг ўзларига ҳам қайтади. Зеро, қадрларга қадр топади.

Қатнашчиларнинг барчаси эзгу тиллар билдиришди. Қалбидур байрам шуккуҳга тўлди.

Дилноза ФИЁСОВА.



Дам олиш масканларида...

**Яқинда пойтахт қасаба уюшмалари кенгашининг VI пленуми бўлиб, Тошкент шаҳар уюшмалари кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги нутқидан келиб чиққандан вазифалари ҳамда меҳнат жамоаларида хотин-қизларнинг ролини ошириш, уларнинг меҳнат шартини яхшилаш, маънавий ва маданий ривожланиши таъминлаш борасидаги ишлари тўғрисидаги масала юзасидан Кенгаш раиси М. Содиқова маъруза қилди.**

— Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши «Аёллар йили» деб эълон қилинган 1999 йилда ўз олдида ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб вазифаларни қўйди. Ушбу вазифаларда асосий эътибор ҳаётимиз кўрчи бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда фазл иштирок этишлари, уларнинг жисмонан ва руҳан соғлом ва баркамол бўлишлари, ҳуқуқий савияларининг юксалиши, уларни маънавий ва маданий тақомиллаштиришга қаратилган, — деди маърузачи ўз сўзида.

Жорий йилда аёллар иштирокида турли тадбирларни ўтказиш ишлари бошланди, ишлайдиган ва ердამга муҳтож аёлларга моддий ердэм қўрсатиш мақсадлари учун ўттиз миллион сўмдан ортиқроқ маблаг сарфланиши режалаштирилган. Аёлларни соғломлаштириш пойтахт қасаба уюшмалари кенгаши фаолият

## Касаба уюшмаларида

# АЁЛГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

тининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, бу йилда ушбу мақсадлар учун 6 мингдан зиёдроқ йўлланмаларни бериш, санаторий-профилакторийларда эса 15 мингдан ортиқ аёлларни соғломлаштириш, уларнинг оилавий дам олишлари учун саккиз мингта йўллана берилиши қўзда тутилган.

Бундан ташқари, ҳар бир оилани бахти ҳисобланмиш болаларни соғломлаштириш мақсадларига ҳам қатта эътибор берилган. Жумладан, эллик мингдан ортиқроқ болалар ва талабаларни спорт-соғломлаштириш ҳамда болалар оромгоҳларида дам олириш учун ўн миллион сўмдан кўпроқ маблагнинг сарфланиши қўзда тутилган.

Аёлларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, ҳафозиз қасаба шартинларини яратишга қасаба уюшмалари қатта эътибор бериб келмоқда.

Аёлларга зарур бўлган меҳнат шартини яратиш борич «Тошкент тўқимачилик корхонаси»га технология усуқналар шовқиниши ишлайдиганлари билан алмаштирилмоқда. Ушбу корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига йилгирма икки миллион сўмдан ортиқроқ маб-

лаг сарфланди.

Бу корхонада ишловчиларни санитария томонидан муҳофаза қилиш масалалари тўғрисида ҳал этилмоқда, сауна, саргарошхона, аёлларнинг шахсий гигиена, руҳий чарқоч қилариш хоналари аёллар хизматидадир. «Махсусмебель» акциядорлик жамияти, Матбаа корхонаси, «Сув-соз» трестининг «Қодрият» бош ишшоотида, «Лола» атир-уя акциядорлик жамияти, «Тошмаргё», «Олтин бошқоқ», «Тола», «Чинни корхонаси» каби корхона ва муассасаларда ҳам аёлларнинг учун шундай шартинлар яратилган.

Касаба уюшма ташкилоти раҳбарлигига билимдон, жонқур, ҳаракатчан, эл ташвиши билан қайғурадиган, соф виждонли инсонларни, айнакча аёлларни сайлашга, уларнинг ўқувини ташкил этишга алоҳида эътибор бериш давр талабидир.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида «Юртошимиз...» аёллар меҳнатини енгиллаштириш, айнакча уларнинг турмуш шартини яхшилаш ҳақида жиддий ўйлаб қўриш ва ке-

ракли тадбирларни амалга ошириш дарқор» — деб таъкидладилар. Президентимизнинг бу истақлари биз қасаба уюшмалари учун дастурламадилар.

Шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши аёллари, тафтиш хайъати аъзолари, тармоқлар ҳамда бошланғич қасаба уюшма қўмиталарининг раҳбарлари ва фаоллари ўзларининг барча имкониятларини ишга солиб демократик қадриятларни, кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилишда муносиб ҳисса қўшадилар, — дея сўзини якунади Кенгаш раиси М. Содиқова.

Маъруза юзасидан музоқараларда сўзга чиққан нотиклар амалга оширилаётган ишлар, ҳал қиланмаётган масалалар, ечилиши лозим бўлган муаммолар ҳусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Шаҳар қасаба уюшмалари Кенгашининг V ва VI пленумлари орасидаги иш тўғрисидаги ахборот тинланди. Кенгашнинг VI пленумида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўлугбек ПУЛТОВ.

## Саноат

# РЕЖАЛАР АМАЛГА ОШАДИ

раккаб шартинлар вужудга келган вақтларда ҳам ишлаб чиқариш уз-қулиши давом этди, қозоғ ва эҳтиёт қисмлар ўз вақтида етказиб берилди.

Янги техника ва технологияни, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришнинг комплекс режаларига биноан 12 та юксак унумли чет эл усқуналари, компьютерлар жорий этилди. Концернинг бир неча бўлиммалари бошқа соҳага йўналтирилди. Германиянинг «Вестрайд ГМБХ» фирмаси билан ҳамкорликда иш бошлаган «Шарқ таълими» янги қўшма корхона ишлай бошлади. Ишлаб чиқариш жа-равендида, газета мақсулотлари, китоб-журналлар, ёрликлар, тасвирий ва блянка — оқ қозоғ мақсулотлари талаб даражасида ишлаб чиқарилди. Олинган соф даромад 211,5 миллион сўмин ташкил этди.

Биз бу эришилаётган ютуқлардан чеқланмаган ҳолда янада янги-янги режаларни белгилаб, уларни амалга оширишга киришдик. Зеро, 1995—2000 йилгача бўлган вақт мобайнида ишлаб чиқариш ва иктисодий ривожланиш истиқбол дастурига мувофиқ техник ва технологияларни янада тақомиллаштириш, мақсулот янги турларини ўзлаштириш, сифатини ошириш, малакали маҳаллий кадрлар тайёрлаб ишлашга йўналтириш каби вазифаларнинг да-

стлабки дебочаси биринчи чоракда амалга оширилди. Утган йилнинг шу даврига қиёслайдиган бўлсак, 351,4 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилиди, қўрсатишган хизматлар ҳамми 53,4 миллион сўмин ташкил этди. Усиш сурьати 49,5 фоизга етди. 53,9 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиди. Барча тармоқлар фазилитидан 133,6 миллион сўмлик даромад олинди. Республика бюджетига 61,1 миллион сўм ўтказилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, йил давомида қиланмаизга юқланган барча режа л а р и

амалга ошириш билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 январьдаги қарори асосида концернга мақсулотларнинг ташқи безалиши ва

дизайни бўйича рақобатбардорликни таъминловчи этикеткаларни чиқаришни ташкил қилиш ва вазифаси юқлатилган. Шунга қўра биз аниқ режа асосида ил юрига бошладик. Бу режаларимиз ишлаб чиқаришни ривожлантиришни қўлмай, балки юртимиз иктисодига қатта даромадлар келтиришга ишончимиз қомил.

Сўхбатдош Гулзода АБДУЛЛА қизи.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернида кейинги йилларда матбаа ишлари, айнакча ўқув қуроқлари, тарихий романларни қайта нашр этиш борасида талайгина ишлар қилнаёттир. Жамоа аъзолари Юртошимизнинг Олий Мажлис XIV сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқиб, ўз олди-ларига аниқ режалар белгилаб, аввалгилари қайта қўриб чиқиди. Шу муносабат билан концернинг 1998 йил ва 1999 йилнинг биринчи чорғи якуналари ҳамда барча тизим фаолиятларининг 2000 йилгача амалга ошириш режаларини тўғрисида конференция бўлиб ўтди. Конференция ўтиши давомида концерн раҳбари Ислам Шогуломов билан сўзбатида бўлди. У киши жумладан қуйидагиларни гапириб берди:**

— 1998 йил мобайнида макрориктисодий барқарорлиги янада мустаҳкамланди, изчил иктисодий ўсиш стратегиясини амалга ошириш учун мустаҳкам шарт-шартинлар ва оималлар яратилди. Шунингдек, янги техника ва технологияни жорий этиш ҳамда усқуналарни жорий таъмирдан чиқариш, молия системасини мустаҳкамлаш сиёсати қатъий ва изчил олиб борилди. Шерикчилик муносабатлари издан чиқиб, му-



МИЛЛИЙ ОДАТ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

МАҚОЛанинг мавзуси ўта нозик, таъбир жоиз бўлса, барча табақага тегишли, айтиш мумкин, бундан мустасно одам ҳам бўлмаса керак. Негаки, бойлик ва камбағаллик ҳақида ўйламанг ота-она, бирор оилани ҳали учратилган эмас... Бу масаладан четда турадиган айрим тоифаларгина бор — улар рухий хаста, баъзи ногиронлар... Шу билан бирга, умр бўйи ичкиликка муккасидан кетган — ҳалқ ибораси билан айтганда — алқашлар умрида бойлик ҳақида ўйламайди, камбағаллики айб, ёки, нуқсон деб ҳисобламайди... Ногиронларнинг айрим тоифалари деганда ҳам қатор далилларга суяниб шу фикрни айтдик — жумладан, (номларини айтиб ўтириш шарт эмас) кўпчиликка маълум ва машҳур шу тоифадагилардан бири — иккинчи жаҳон урушида икки кўздан айрилиб келган бир рус йигити — Тошкентда униб-ўсган инженер — урушдан қайтган Тошкент шаҳрида бош архитектор бўлиб ишлаётганда камини шаҳсан кўрган эдим. Яна бири — умуртқа суюғидан майибланиб ўнлаб йиллардан буён тўшақда ётиб — ҳайкалтарошлик қилаётган ажойиб меҳнатсевар, иймондораси мустаҳкам, юксак маънавиятли шахс — ўтган йили Ўзбекистон Бадий Академияси ҳақиқий аъзо қилиб сайланганда, унга унвонлар, мукофотлар берилганда — қалбида заррача меҳр-шафқати борларнинг ҳаммаси худди шуларнинг барини ўзи олганда қувонди. Негаки, мукофот ва унвонларга тавсия этилаётганлар орасида жуда оз ва сифатсиз ишлаб кўп имтиёزلарга эришаётганлар ҳам бор, уларни кўпчилик билади, вақтослари келиб ҳаммаси юзага қалқиб чиқаради. Яна бир қатор биринчи гуруҳдаги (яъни кўзи ожиз) ногиронлар борки, улар ўз соҳасида жисмонан соғлом бўлган ҳамкасбларига нисбатан ҳам кўпроқ, ҳам сифатлироқ ишлашади, махсуслаб беришади, ўзларини мутлақо ногирон деб ҳисоблашмайди ҳам. Тўғрида, бундай ҳурматли зотларни ҳар бир софидил инсон бошқалардан кўра неча марта ортқ хурмат қилади, зеро улар ҳамиша катта обрў-эътибор билан яшаб келадилар... Негаки, улар доим ижтимоий ёрдам олиб туришга қонуний ҳақлари бор, аммо юксак онг, маънавий қиёфалари — иззат-нафслари бунга йўл қўймайди, ўз гуруҳларини пастга урмайдилар, ибод, андиша, хуллас инсоний гуруҳ — уларнинг ифтихори бўлиб қолган, мутъеликни етти ухлаб тушларига ҳам киритмайдилар ва ҳоказо.

Ана шу ҳақиқатлардан келиб чиқиб, назар ташласангиз айрим одамлар илоҳи борица давлатдан, жамиятдан, бировдан ниманидир ундириб олиш ҳаёли билан муттасил яшаб келаётганларини кўрасиз. Бундайларнинг ҳаммаси камбағал эмас, ўзига тўқлари ҳам кўп.

Юлғичлик, таъмагирлик ўзи бир оғир касаллик — бундайларнинг ўзи тўйса ҳам кўзи ўймайди деб эл орасида гап-сўзлар юришини ҳамма билади; бироқ юз амри ширин, айниқса «ўзбекчилик» деб ўзига айтавермайди. Яна бир тоифа — оддий меҳнати билан кўн кўради-ганлар бор, камбағал, аммо камсукун, сабрли одамлар. Бориға барака қилиб тинч яшайверди, ортқча уринишга ё ҳафсаласи келмайди, ёки, бошқа иш — кўпроқ топшига имконияти йўқ. Яна бошқа бир тоифалар борки, бирор дурустрок ишга тоби йўқ. Ортқча бирор катта-роқ мақсади ҳам йўқ. Кўпроқ ишлашга — мураккаб ҳунарни эгаллаш ёки илмга, аниқроқ қилиб айтсак, ва ақлий, ва на жисмоний, яъни жиддий бир соҳани чуқур эгаллашга жон куйдиргиси келмайди. Кўп ушлаш, ошқўрлик қилиш, яъни кийиниш, бекорчилар билан боши оққан томонга юриш-туришга суюғи йўқ. Бунинг учун эса пул керак. Айланиб келиб, бирор кимсадан, оила ёки жамиятдан олиб юриб, бутунлай боқимандалик кайфияти руҳига шўнғиб кетади. Бунинг оқибати ҳамиша салбий натижалар билан яқунланади, баъзан эса, ундан келадиган хулосаларга «салбий» деган ибора камлик қилади, мудиҳи фожияларга сурғаб борилгани ҳақида маълумотлар тўлиб ётибди. Агар одам руҳий хаста ёки ногирон бўлмаса, астойдил бирор соҳани яъни эгаллашдан бош тортмаса, ундай одам илгарилар ҳам, айниқса ҳозир ҳам мутлақо бировга муҳтож бўлмайди, жуда бой бўлиб кетмаганда камбағалликка тушиб қолмайди. «Сендан ҳаракат, мендан баракат» деган жуда оддий ва эл орасида кенг тарқалган фалсафий мақоланинг тағ заминида ҳам меҳнатга даъват маъноси ётади. Меҳнат кишини ҳамиша улғулайди, дангасалик пастга уради. Эл ўртасида булар ҳақида талай ривоятлар, ла-

тифалар тўқиб юборилган. Жумладан «ишламай еган — оғримай ўлади» қабилида текинхўрга нафратлар ёғдирилгани маълум. Бироқ то Истиқлолимизгача — камбағални бойга қарши қўйиб келинди. Бойни доим ишласдан камбағал ҳисобидан бойиған, яшайди деб келинди. Тарих ва адабиётга оид асарларда шу гоё кенг тарғиб қилинди. Яна, камбағални энг ақли, инсофи, ғайратли, меҳнатсевар, хотин-қизлари ҳам чиройли, ҳар жиҳатдан мукамал бойни эса бутун шунинг акси, ҳамма жиҳатдан расво қилиб кўрсатиш одат тусига кириб қолди. Бунинг энг ёркин мисоли «Бой ила хизматчи». Фофур, Жамила, Солиҳ бойларни бир кўз олдингизга келтиринг-чи! «Кутлуг қон»даги Мирзақаримбой билан унинг оиласи, Йўлчи, Ермат ва уларнинг оиласини бир эсланг! Аммо Мирзақаримбой — XX асрнинг 10-йилларидаги зиддиятларга дош бериб, ҳам деҳқончилик, ҳам савдо-социётни эплаган, ниҳоят ўзи мустақил пахта заводи сотиб олишга қурби етадиган — ўта талбиркор, ишнинг кўзини биладиган, жуда серғайрат шахс сифатида намоён бўлади. Бу ўша бизнинг асризмиздаги Навоийимиз — буюк Ойбекнинг оламшумул теран дунёқараши, воқеликни чуқур фалсафий таҳлил этишга қодир тафаккури қарши самараси эди... Йўлчи

билан Мирзақаримбойни қарши қўйиш эса, давр талаби, мажбурияти билан боғлиқ ҳодиса эди. Бундай мисоллар ҳам тўлиб ётибди... Энди масаланинг янада аниқроқ моҳиятига етиб келдик. Уйлаб қаранг-чи, бирорта бой меҳнатсиз, машаққатсиз бой бўлганми? Ёки бирор камбағал умрида бой бўлмаслиқни орзу қилганми? Фақат камбағаллиқни мақсад қилиб яшайдиган бирорта соғлом фикрли одамни бирор кўрганми? Хатто айтиш мумкинки, дунёда камбағалликдан кўра, мутъеликдан кўра ҳўрлик борми ўзи? Яъни уйда яшаш, яъни еб — яъни кийиниб юришини ким хохламайди? Бундай саволларни яна қаторлаштириб ташлайтириш мумкин. Аммо асли гап — жамиятдаги аҳолининг бой, тўқин-сочин, эмин-эркин яшашини орзу қилиб, бутун фаолиятларини шунга йўналтираётган юртбошимизнинг чет элларга борганларида бадавлат умр кўраётган фуқаролар ҳаётига ҳавас қилаётганлари, ўзимизда ҳам халқимизни шу даражага олиб чиқишни нақадар истаётганларини бир неча бор баён қилганларига ўзимиз гувоҳимиз...

Шу ўринда яна бир изох: тўғри, бирор бойга қарам бўлиб умрини ўтказган ва бошқа иш қўлидан келмайдиган одам умрида бой бўла олмаган, чунки унга бой бўладиган имконият берилмаган замонлар кўп бўлган. Агар шахсий хунармандлар то 1991 йилгача ҳар ер — ҳар ерларда қочиб, бекиниб махсулот ишлаб чиқариб кун кўриб келганларини, ҳатто ҳалол меҳнати махсулотини ҳам яширинча сотиб ёки қўлга тушса камалиб кетганларини бизнинг ёшдагилар яъни билишсади. Ҳозир эса, олди-сотиқда бошлаб шахсий дўкон, дастохлар тешакетмондан бошлаб сандиқ, дутор-танбур ясайдиган хунармандларгача агар эгласа — кичик корхона очиб халқ истеъмол моллари, бозор эҳтиёжига мос истаган махсулотини ишлаб чиқаришга катта йўл очилди. Бу ишларни ташкил этиш учун давлат ҳисобидан пул қарз берилди, айримларини то ишлари яъни авж олгунча — бир неча йилларгача солиқлардан озод қилиб қўйилдиган бўлди... ва ҳрқазо. Айтинг-чи, шундай шароит қайси давримда, қачон бизнинг ўлкамизда бўлган? Назаримизда ҳеч қачон бўлмаган бўлса керак. Уқишга қодир ёшлар ўзимиздан орқиб чет элларгача бориш ёки олиши мумкин. Хунар ўрганаман деса истаган устага шогирд тушиб ўрганса бўлади. Ишбилармон бўламан деса, кичик корхоналар, қишлоқда эса, фермер ва ширкатлар тузиши мумкин бўлса, шундан кейин ҳалол меҳнат билан яшаш, ҳатто бойликка эришиш мумкин эмасми? Фақат ёшларни шу йўлларга бошлашда раҳбар ходимлар ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани — масаланинг энг муҳим нуқтаси бўлиб турибди. Ишга ҳалақит бериш, сунъий равишда ташаббусларни бўғиш каби салбий ҳолатлар бор ва уларни ҳамиша жуда қийинчилик билан енгиб ўтишга тўғри келади. Зеро ишчаннинг иши битидади, дангасанинг қуни ўтади, бекордан ҳудо безор ибораси ҳам шу маъмунда айтилган.

Шундай экан камбағаллик нуқсонми ёки ўйлайлик!..

Аҳмад АЛИЕВ.



Маҳалла

ЭЪЗОЗ

Собир Раҳимов туманидаги Аҳмад Яссавий номли маҳалла аҳли Хотира ва Қадрлаш кунини яхши нишонлашди. Маҳалла оксоколи Саидахор Нигматхўжаев ўз сўзида «Ўтган йили маҳалламизда қурлодшларимиз ўн кишини ташкил этар эди. Улар тобора камайиб боришмоқда. Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган бу байрамга янгича тус бериб, уни эъозлаш кунига айлантирилгани бизларни гоёт хурсанд қилди. Маҳалламизда фронт ортида меҳнат қилганлар ҳам анчагина», деб таъкидлади.

Уруш қатнашчиларига Собир Раҳимов туман ҳокимлигининг совғалари топширилди.

Даврон АХМЕДОВ.

СУРАТДА: бир гуруҳ маҳалла фаоллари.

Муаллиф олган сурат.

Танловлар

СЕНИ ТАНҶО САНАЙМАН, ВАТАН

Бу йилги, Ўзбекистон қўшиқ байрами танлови шахримиз тулманларида ҳар қачонгидан ҳам файзли ўтмоқда. Хусусан, Бектемир туманида бўлиб ўтган ушбу танлов йилгиланлар қалбидан чуқур жой олди. Танловда йигирми Пўлат Мўмин шерьига Орифхон Хатамов куй басталаган «Сени танҳо санайман, Ватаним» қўшиғи билан созанда Шоира Махсудова ҳамда Пўлат Мўмин шерьига Гаффор Чемиров куй басталаган «Гул улашиб» қўшиғи билан Беҳзод Чемировлар эгаллади. Иккинчи ўрин Нормурод Нарзуллаев шерьига Давлат Рустамов куй басталаган «Ватанин ўзга ёр бўлмас» қўшиғини

ижро этган Исमत Ризаевага насиб этди. Учинчи ўринга Рустам Холмирзаев ижро этган Музаффар Туроб шерьига Асатулло Холмирзаев куй басталаган «Шундай бир Ватан» қўшиғи сазовор бўлди. Ана шундай Ўзбекистон қўшиқ байрами танлови шахримизнинг Юнусобод туманида ҳам бўлиб ўтди. Унда хонандалар Каримберган Жуманиёзов «Ярашган» ва Ширин Қурбонова «Узоққа кетсанг агар» куйликлари билан биринчи ўринни эгаллади.

Танлов голибларига туман маданият бўлими томонидан қимматбахо совғалар ва пул мукофотлари топширилди. Биз эса голибларга шаҳар ва республика танловида ҳам зафарлар тилаймиз.

Очил ХАЗРАТОВ.



Кичкинтойлар санъати барчамизга завқ бағишлайди. Засим Соколов олган сурат.



ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**(Давоми. Боши 4-бетда).**

20.35 Мерос «Жан Кристофф». Телесериал.  
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот курсати.  
21.30 «СНН шоу»  
21.40 «Кино сайраси»  
22.00 «Вести»  
22.30 Кинематограф: Аль Пачино «Шантон адвокат» фильмида.  
00.30 «Абдор» (рус тилида) 00.55 «Туннинг осуда бўлсин!»

**30-КАНАЛ**

9.05 «Мусликй тон». Мусликй-дам олиш дастури.  
9.30 «Таниш чекралар». Дам олиш дастури.  
10.00, 13.50, 18.00, 20.10, 00.30 — «ТВ-хамкор», «Метеохабар»  
10.30 «Морена Клара». Телесериал.  
11.20 Тонгги киносеанс.  
13.00 «Кичик шаҳардаги дузах». Телесериал.  
14.10 Кундузги киносеанс.  
15.30 «Олов гилдираги». Телесериал.  
16.00 «Калтафаҳмлар». Усмирлар учун сериал.  
16.25 «Карлус-ТВ»  
16.45 Мусликй дастур.  
17.15 «Экстрислар асирлигида». Сериал.  
18.20 «Ошикона». Мусликй дастур.  
18.30 «Фатҳ хотин-қизлар учун». Тележурнал.  
19.00 «Сенсиз яшай олмаيمان». Телесериал.  
19.45 Спорт шарҳи.  
20.35 «Клип-совга»  
21.30 «30-яшда киноқашом»  
23.15 «Урбод». Сериал.  
24.00 Тунги мусликй-дам олиш канали.

**РЖТ**

5.00 «Хайрли тонг»  
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 — Янги-р.  
16.00 — «Севги йўлида». Сериал.  
9.15 «Инсон ва кунун»  
10.05 «Савдотчилар клуби»  
10.50 «Хонани кутубхона»  
11.15 «Биргаликда» дастури.  
12.00 «Йигирма йил ўтган мушкетерлар». 3-серия.  
13.20 Мультипликация.  
13.45, 23.00 — «...»  
14.15 «Кинот полицияси». Сериал.  
14.45 «Сехри олам ёки Синама»  
16.00 «Сезам кўчаси»  
15.30 — «...16 ёшгача ва ундан катталар»  
17.15 «Куйини толинг»  
17.45 «Шу ерда яш хозир»  
18.10 Роман Карцев «Элдар Рязонов дастурида»  
18.50 Самурайлар юртидаги саргузаштлар. «Сегун». Сериал.  
19.45 Хайрли тун, кичинтойлар!  
20.00 «Врема»  
20.40 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. Финал «Лацио» (Италия) — «Мальорка» (Испания).  
22.30 «Шошининг чақирув».

**РАТ**

6.00—8.45 «Хайрли тонг, Россия!»  
6.20 «Хамманнинг озгида»  
6.45 «Кўрсатувлар дастури». Телесериал.  
«Ле Монти» савдо уйи.  
23.05 — «Набобчи қисси»  
6.30 «Товарлар — почта орқали»  
9.10 «Миледи». Телесериал.  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.20 — «Вести»  
10.35 Микеле Плячидо «Джованни Фальконе» фильмида.  
11.30 «Лазурная звезда». Россия очик телевизион аюкумани совриндорлари. 1998 йил.  
12.10, 12.30 — Мультифильмлар.  
12.25 «Тиббий хабарномаси»  
12.45, 15.15 — «Музыка, музыка»  
13.30 «Абсунгар. Буюк Аждаҳо мамлакати». Болалар учун телесериал.  
14.25 «Бойлар ва машхурлар». Телесериал.  
15.10 «Гомеопатия ва саломатлик»  
15.25 «Биринчи бўсалар». Телесериал.  
16.30 «Минора»  
16.55 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Россия — Белоруссия терма жамоалари. Туладан олиб кўрсатилди.  
19.30 «Тафсилотлар»  
19.40 «Икки раяль»  
20.30 Ия Савина ва Олег Ефремов «Мафункорлик ҳеч тугамасин» мелодрамасида.  
22.10 «Болжонда улуг граждлар уруши. Давоми»  
24.00 «Билж ови жаида мулоқотлар».

**ТВ-6**

7.55, 14.10 — «Кундан-кунга»  
9.45, 19.20, 23.50 — «Йул назорати»  
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.00 — «ТСН-6»  
10.10, 00.20 — «Кимки...»  
10.25 «Сиз-шоҳиди»  
10.50, 13.45, 16.20 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўқони.  
11.00, 20.00 — «Шажара II. Колби оиласи». Сериал.  
12.10 «Найтмен». Сериал.  
12.25 «Қотил даъвати». Сериал.  
12.35 «Усмилрлар учун сериал». «Кўпай»  
18.00, 00.35 — «Диск-канал»  
18.30, 22.30 — «Одамлар оламида»  
19.35, 02.05 — «Ололдаги Грейс-1». Ҳажий сериал.  
21.00 Шу куннинг англиклар.  
21.30 «ОСП-студия»  
23.00 «Вавилон 5». Сериал.  
00.05 «Шу куннинг олти янглиги»  
01.10 «Қизил туфлича кундалликлар». Сериал.  
01.50 «Севсанг-қара». Видеоклиплар.

# ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!!!

## ХОРИЖИЙ ФИРМАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ!!!

### ХОРИЖИЙ КОМПАНИЯЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИ!!!



Тошкентнинг қоқ марказида, Сайидгаҳ кўчасида замонавий «Пойтахт савдо мажмуаси»нинг қурилиши тугалланмоқда. Савдо мажмуаси 3 қаватли биносининг умумий майдони 30 минг кв. метрдан ортиқ, 500 автомобилга мулжалланган ер ости тўхташ жойига ҳам эга.

### Сиз ноёб имкониятга эга бўла оласиз

Ҳозирги вақтда мажмуада бардошлик ишлари оlib борилмоқда, бу эса Сизга ижарага олинмаган хоналарни ўз хоҳишингизга қараб бардошлик ва бешада қўйишни имкониятини беради.

Тошкент шаҳридаги энг нуфузли мавзенинг марказида «Пойтахт савдо мажмуаси» биносида исталган ҳажмдаги хонани ижарага олишингиз мумкин.

Ижарага олинмаган хоналарга савдо ва хизмат кўрсатиш турлари чекланмаган, сиз қўидагиларни ташкил этишингиз мумкин:

- \* турли товарларни (озик-овқат маҳсулотлари, саноат моллари, уй-руҳор моллари, сантехника, мебель, гуллар, эсдалик буюмлари, заргарлик буюмлари ва ҳоказолар) сотиш учун савдо заллари;
- \* аҳолига кўрсатиладиган хизматлар (гузаллик салонлари, туратхоналар, туратхоналар, кимбей тазолаш, саргарошхоналар, турли техникани тўзатиш ва уларга хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.);
- \* тиббий хизматлар, дориҳоналар;
- \* ўйин автоматлари, видео, компьютер заллари, биллардхоналар;
- \* барлар, қаҳвахоналар, рестороанлар;
- \* дискотекалар ва турли шоулар, ортмарказлар;
- \* ижарага бериш (тўй либодалари, техника ва ҳ.к.)

Маълумотлар учун тел.: 1337917

Савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш департаменти

## ҚУРИЛИШ ВА ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТЕХНОЛОГИЯЛАР, МЕХАНИЗМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ВА ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ КОРХОНАЛАР, ЛОЙИҲА ИНСТИТУТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкентда биринчи марта 17-21 май кунлари Ўзбекистон Рассомлар академиясининг марказий кўргазмалар залида «Пойтахтнинг қурилиш индустрияси» деб номланган ярмарка-кўргазма ўтказилмоқда. Кўргазма-ярмаркада қатнашиш орқали Сиз ўз маҳсулотларингизни реклама қилишингиз, буюртмачи ва шериклар топишингиз, шартномалар имзоланингиз, ривожланиш истиқболларини белгилаб олишингиз мумкин. Энг яхши қурилиш корхоналари қа-

торидан ўрин олишдек имкониятни бой берманг. Қатнашиш учун талабномалар қуйидаги манзил: 700015, Госпиталь даҳаси, 12-уйда қабул қилинади. Телефонлар: 54-68-42, 55-56-33, 133-27-07, 54-04-87. Тошкент Халқаро бизнес маркази. Кўргазма ташкилотчилари — Тошкент шаҳар ҳоқимлиги, Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси.

23 март куни машинада унутиб қолдирилган очик турдаги «Ҳабиб-ибн Жаҳон» акциядорлик жамиятининг ҳужжатларини суюнчи эвазига топишга ёрдам беринг. Телефон: 116-57-87. \*\*\*

Пейжер, касса аппарати

сотиб оламан. Телефон: 35-01-39. \*\*\*

Озиш ва семиришга қўмаклашамиз. Хизматимиз қиммат туради. Телефонлар: 75-25-20, 75-27-05, 186-55-71. \*\*\*

лар керак. Телефонлар: 67-71-56 — соат 18 гача; 23-10-94 — соат 18 дан сўнг. \*\*\*

9 май куни Эски жўва бозорида Бурханов Хондамир Аброрхонович номига берилган паспорт ва ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолди. Мукофот эвазига қайтаришингизни сўраймиз. Телефон: 42-65-42. \*\*\*

Яккасарой туманидаги «Оқ уй БК» хусусий фирмаси тугатилди. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

«Ойна жаҳон» курсатувлари давоми билан «Оқшом»нинг 17 майда чиқадиган навбатдаги сониди танишасиз».

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*1999 йил Аёллар йили муносабати билан  
«Гульнора-она» шаҳар Оила маркази  
томонидан «XXI аср аёли» кўрик-танлови  
ўтказилади.*

**КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ ШАРТЛАРИ:**

1. Кўрик-танловда 16 ва ундан юқори ёшдаги хотин-қизлар иштирок этишлари мумкин.

2. Иштирокчилар «XXI аср аёли» рукнида «Раҳбар аёл», «Олима аёл», «Дипломат аёл», «Тадбиркор аёл», «Аёл — тарбиячи», «Аёл — оила чироғи», «Аёл — уй бекаси» каби мавзуларда аёлларнинг фазилатларини кўрсатувчи ижодий ишларини ёзма равишда ташкилий кўмитага шу йилнинг 1 августига қадар тақдим этишлари лозим.

3. Ижодий ишлар ўзбек ва рус тилларида тақдим этилиши мумкин, ёзма ҳажми 5 бетгача, машинка юки компьютердан чиқарилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллиги арафасида кўрик-танлов якунланади ва ғолиблар қуйидаги совринлар билан тақдирланадилар.

1 та — 1 ўрин — ДЭУ музлатгич

1 та — 2 ўрин — ДЭУ кир ювиш машинаси

1 та 3 ўрин — ДЭУ видеомагнитофон

ва 10 та рағбатлантирувчи совғалар

**Бизнинг манзил:**  
700143 Тошкент ш.  
М. Улуғбек тумани  
Қора-Су-2, Дониёр  
боши берк кўча 2-  
уй. «Гульнора-она»  
Оила маркази.  
Телефон: 65-07-88  
Ҳомий — Осиё  
маданият ва  
тараққиёт  
ташкilotининг  
Тошкентдаги  
ваколатхонаси-  
Жанубий Корея.



## Ҳурматли тадбиркорлар!

Ўз тадбиркорлик ишингизни ривожлантириш учун биздан имтиёзли кредит олишингиз мумкин. Сиз бу борада ўз тадбиркорлик иш режангиз билан, Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Тадбиркор аёллар ассоциациялари билан келишилган ҳолда, бизга яъни Тошкент шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош Бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Сиз бу режангизни амалга оширишда асосан қуйидаги:

- маҳаллий хом-ашё ва материалларни қайта ишлаш;
- кичик, лекин меҳнат талаб корхоналарни ташкил этиш;
- миллий ва бадий ҳунармандчиликни ривожлантириш;
- сервис хизматлари ва маиший хизмат кўрсатиш;
- маҳаллий саноатни ривожлантириш;
- қурилиш моллари ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш ва экспорт қилиш учун яроқли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин бўлган соҳаларга алоҳида эътибор беришингизни сўраймиз.

**Бош бошқарма телефонлари:**

**136-00-25, 136-74-40.**

### «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

**Маълумотлар учун телефон:**

**133-28-95. Факс: (3712)**

**133-29-09.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**


**МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ,**

**32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.**

## ЖАВОҲИРЛАР САНДИФИ

Келтирибдирларки ул вақти Дору шох бирлан ҳазрат Искандар маҳорибалар этиб, ҳазрат парвардигорни инояти ва фазли карами бирлан шох Дорога қўллари юкори бўлди. Анинг ўз вазири халок этди. Хамма мулклар ҳукмронлиги ҳазрат Искандарга мусаллам бўлди. То сарҳад Мағрибистон, Рум, Миср, Шом халқи муъти фармонбардор бўлди. Оламгардлик ва жаҳонгирлик ҳавоси бирлан кўп лашкар жамъ бўлди. Аҳли дониш ҳукамолар ҳам жамъ бўлдилар. Чунончи Афлотун ва Арасту, Сукрот ва Букрот, ушбу донолар бирлан сафар асбобларини муҳайё этиб, юруш нақорасин қоқуб, кўж-кўж айлаб ул мағриб диёрин фатҳ айламак бўлиб борурда ҳар куни бир доно сўзлар эрдилар. Кечаси бўлса яна бири то уйку маҳалигача панду насиҳатлар берур эрди. Жумъа кечаси Арасту донога навбат этти. Арасту сандалида ўлтириб сўз бошладики оламни аввал бини бўлишига боисларин айтиб арш курси ва лаъх қалам, етти осмон ва етти табақа ерни, биҳишт ва дўзах, то хамма мавжудотни оллох таоло қудрат комиласи ва иродати шомиласи бирла зуҳурга келтурди. То баний жонни хилкати қиссаларин тақдир айлаб;

оқ либослар бирлан ясанибдур, сиёҳпўшдин хусни икки хисса баланддур. Бул пари ҳам ви-солига чақирди. Мундин ҳам уёлиб учинчи охурга бориб, сув олмақ бўлди, бул сувда ҳам бир паризоди сабза либос кийган карашмалар нозлар билан салом бериб ўз висолига тақлиф айлади. Мундин ҳам уёлиб тўртинчи охурга бордилар, ул сувда ҳам бир паризоди симоби либослар билан ўз-ўзига зийнатлар берибдур, хусн жамоли ул уч паридин хўброқдур. Бул ҳам ўзини арз айлади. Ҳазрат Искандар хайрон бўлиб турган маҳалда яна бир бўлак жонибдин овоз келдики бул тарафга келинг деб, ул овоз келгон жонига юрди. Онмиқдор юрдик икки-уч фарсах йўл юрдим деб гумон қилдилар. Охири бир ерга бордики бир паризодни кокиллари бирлан банд айлаб, бир деви бад феъл босибдур. Ул дев ул паридин ком олгундек, ул қабул қилмай талошдадурлар. Улпаризод овоз қилдики, эй одамизод нима бўлулки карам айлаб, мани бул девдин куткорсанг деб илтижолар айлади. Ҳазрат Искандар талошлар айладилар. Дев тоб келтуролмай парини ташлаб ўзга жонига қочиб кетди. Ҳазрат Искандар парини қўл-оёғини ёзиб раҳо айладилар. Бул пари ҳам ўз висолини арз айлади, бул парини ҳам сўзига илтифот айламасдин яна бир жонибга боқиб юрдилар. Ул пари ҳам бир қисм туфроқ олиб сеҳр ўқиб сочти, дедикки эй одамизод кўргил санга нималар кўргизгайман деб овоз берди. Бир биёбонга тушиб кетдилар, ул ойгача юрдилар ҳеч бир



Фарзандим — асал-қандим.

### Донишмандлар хазинасидан

# АРАСТУ ВА ИСКАНДАР

Арасту Нух алайҳиссаломни давватларин ва кемани пайдо бўлгонин айтиб, об озобни шиддатларин изхор айлаб, ҳазрат Халил ал-Раҳмонни рўзгорларин мубаййин айлаб, то пайғамбаримиз ҳазрат Муҳаммад Мустафо сали оллоху алайҳи васалламни таваллудларидин меърожлари бўлгунча ҳар кундаги ва ҳар ҳафтадаги ва ҳар ойдаги ва ҳар йилдаги бўлгон воқеаларни ўқуб, меърож воқеаларини тамом изхор айлаб, етти табақа осмон ва етти табақа ерни ва етти дўзах ва саккиз биҳиштини сайр айлаб, хижоблардин ўтуб қоб қувасин авадо мартабалаларидин рифъат топиб, тўқсон савол ва жавобларга қурбатлар пайдо қилиб, ушбу осий умматларига муждаий маъфират ва раҳмат олиб бо амири аллох таоло ўз хоҳоғхларига нузул айладилар. Жойлари хануз иссиқдур. Ул муборак ва саодатлиг уйларини занжирин ҳам хануз элдодадур, — деб доно сўзини бул ерга еткуруб эрди, ҳазрат Искандарни дилларига бир нуктайи пайдо бўлди. Арастуға бул нукта кашф бўлди. Сўзни бул жойга қўюб, дуо ва фотиҳа айлаб, қолгон воқеаларин эрта баён қилурга ваъда берди. Ҳар ким ўз жойига бориб истироҳат айладилар. Ҳазрат Искандар ҳам андак уйкуға майл айладилар ва Арасту доно туруб лашкардин чиқиб, миқдори бир неча инни гиёҳлар бошига боғлаб, ўраб тортиб айлантуруб бир кўргон шаҳар мисол айлаб, анга дарвозалар тақлид айлаб, саройлар ва мадрасалар, расталар, бозорлар ва дўконлар ва дўкондорлар бир неча адад ҳаммомлар тарҳини қилуб, бир чангал туфроққа бир амали айлаб сочти. Бир шаҳри пур гулгула жамият пайдо бўлди. Ҳамма дўкон, бозорлар чаргондур, кундузи-деқдур. Ҳамма олмақ-сотмақ бирлан тарадду-дадурлар. Арастуйи доно яна боргоҳи Искандарга келиб бир каф туфроққа бир иш айлаб, ҳазрат Искандарни бошларига сочти. Тушларида бир ҳодиса рўй берди ва уйғониб кўрдилар Арасту ҳозирдур, ишорат қилдиларки сув бўлса, деб азбаройи гусл айламак учун. Доно дедиким бул ерда ҳаммом тайёрдур деб, ул шаҳарга олиб кирди. Мундоғ ораста шаҳрини ҳечким билмайдур. Ҳазрат Искандар хайрон бўлдиларки, кеча бул ер дашт эрди, бул жойда шаҳар мавжуд эмас эрди. Аввал гусл айлаб сўнгра сўрорман деб борур эрдилар. Арасту бошлаб бир ҳаммоми покизага олиб кирди. Ҳаммомчи иззат ва иқромлар айлади, лунгиҳонага кирдилар, бараҳна (яланғоч) бўлдилар. Лунгиҳи бир яхши лунги берди. Ҳазрат Искандар лунгини бойлаб, гарм (иссик) хона сари бордилар. Арасту дедиким, ман шул ерда турайин то сиз гусл айлаб чинкиг деб яна бир каф туфроққа бир амали айлаб орқаларидан сочти. Алқисса, ҳазрат Искандар гарм хонага қадам қўйиб, кириб кўрдиларки бир гунбаз олийдур, баланд, хўю нигорин қилгон, тўрт тарафида тўрт сув олурга жой бордур, ани лабида жоми сийманлар тайёрдур. Бирини олдига бориб жомни олиб сув олмақчи бўлсалар ул сувни ичидин бир паризоди сиёҳпўш кўриндики либослари бирлан ораста ва хусн жамоли шуъласидин ул сувни ичи мунаввардур, имо ва ишоратлар бирлан ўз висолига тақлиф айлади. Андин шарм тутуб иккинчи охурга бориб сув олай десалар ул сувда ҳам бир паризоди

ерга етмадилар. Охир ташна ва гурусналигин (очлик) йиқилиб қолдилар. Ул яқиндин карвони ўтиб борур эрди, карвонбоши йўлдин чиқиб тамошолар айлаб борур эрди. Кўрдикки бир одами ётибдур, бехуддур. Отдин тушуб кўрдикки бир жавонидур бараҳна, лунгиндан бўлак пардапўш йўқдур, бир муҳаббати пайдо бўлди. Бир жом сувни озгига қуйди. Ҳазрат Искандар кўзларини очтилар, бир одами меҳрибон бўлиб турубдур. Яна сув берди, таомлар берди, сероб айлади, либослар кийдирди. Сўрдикки эй жавон бул қадду-қомат, бул шижоатлар бирлан яланғоч биббони балоҳезда бехуд бўлиб ётмоқни маънисини нимадур? Ҳазрат Искандар жавоб бердики, ман сиздек бир улуг карвонбошини ўғли эрдим, кўп карвонилар бирлан беадад моллар ва дунёлар бирлан азбаройи савдогарлик чиқиб эрдук. Бир сахрода ҳадиса роҳзанлар (қароқчилар) пайдо бўлди. Карвонларини ҳаммасини йўқ айлаб, мол-матойларини қисмат этиб олдилар, мани ёш дев урбн айлаб ташлаб кеттилар, неча кунлардин буён оч-наҳор юрибдурман, худойи таолох сизларни еткурубдур. Карвонбоши дедикки эмди фарзанд бўлдинг деб меҳрибонлиғлар қилур эрди. Алқисса, савора бўлуб боз ул ой йўл бостилар. Бир куни карвон халқи юкларини кўргон айлаб ох-нолалар айларга турдилар. Ҳазрат Искандар сўрдилар, эй ато бул нима хоҳишдур, оҳ тортарсизлар? Дедикки эй нуридийдан йўлни фалат қилиб, Сарҳоб жодунинг маконига тушиб-дурмиз, бул Сарҳоб ёмон жодудур.

Эмди сўзни Сарҳоб жодудин эшитингим, ҳазрат Искандар жоду келиш тарафига ўтиб турдилар. Баноғоҳ бир минорадек сурат келиб карвонбошини сўради. Ҳазрат Искандар карвонбоши ман деб жавоб бердилар, сўрдиларки нима ишинг бор? деб. Ул дедикки Сарҳоб жодуни закотчисидурман, ўндин бирини олурман. Ҳазрат Искандар айтдиларки закот деган кирқдин бири бўлур эрди, ўндин бирини ким чиқорди деб қаттиг сўзладилар. Ул сурат бири амуд ҳавола қилди, гўёки тоғдек эрди, кўл узотиб кўлидин амудни олиб фарқи сарига андоғ ҳазимат қилдиларким гард-гард бўлди. Боз ўрнидан туриб бўлак суратда ҳамла айлади. Бир амуд бирлан урди, ул ҳам майда-майда бўлди. Яна бўлак суратда рўбарў бўлди. Алқисса, гоҳи шер ва гоҳи аждаҳо суратида ҳар ранг бўлиб кўринур эрди, охир ноилго бўлиб, бир парранда бўлиб учиб қочти, овозлар қилдиким, эй Искандар кўргилким санга нималар кўргузурман деб нопадид бўлди. Савдогарлар яна юкларини ортиб йўлга равона бўлдилар. Уч ой юрдилар бир улуг дарёйи гиронга еттилар. Кема соз айлаб равона бўлдилар, то муддат ул ой кема бирлан дарёда юрур бўлдилар. Бир кун карвон аҳли лангар тўқуб, бир-бирларини қучоқлаб ох-нолалар айлар, ҳаммалари бир-бирларига васият айлаб, бир-бирларидин розилик тилардилар.

(Давоми бор).

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

### Ёднома

Раззоқ ХАМРОЕВ:

## АКТЁРЛИК ВА РЕЖИССЁРЛИК ҲАҚИДА

Санъаткор нафақат ўтмиш, ҳозирги ҳаётни тўғри тушунсин, у келажакни ҳам кўра билиши лозим.

Режиссёр санъати кенг, у жуда кўп соҳани ўз ичига олади.

Режиссёр санъатининг асосий материали актёр ижодидир.

Режиссёр актёр ижодини тўғри йўлга солади ва унинг ривожини учун муттасил шароит яратиб беради.

Яхши режиссёр актёр учун фақат муаллим бўлибгина қолмай, балки театрда ҳам, ҳаётида ҳам унинг тарбиячисидир.

Актёр ижодий муҳофаза учун доим раҳбарга, устозга муҳтождир.

Пьесани ҳатти-ҳаракат воситасида ўрганиб чиқиш, ўзининг роль шарт-шароитида сезиш актёрга образ яратиш учун жонли материал тўплаш имконини беради.

Актёрлар орасида ҳам касиб хилдагилар бўлади. Уларнинг иши муаллиф матнини такрорлашдан

иборатдир. Актёр-қосиблар фақат ролни ёд олиб, уни тайёр қолиплар воситасида томошабинга тақдим этади. Бундай ижод ҳақиқий бадииятдан маҳрумдир.

Актёрни шундай жойлаш керакки, у пьесанинг умумий гоёсига жавоб бера олсин ва асарнинг композициясини ташкил қилсин. Бу иш учун режиссёр фикрининг тўғрилик ҳақида актёр тушуниб туриб ижод этсин. Ўз вазифасини яхши билсин — шунда актёр саҳна ҳаётида ўз ўрнини ишончи эгалайди.

Режиссёр ҳамма вақт актёрнинг махсус хусусиятини ҳисобга олиши керак. «Актёр ўз фантазиясига эга, ҳаётни билади», — деган фикрни унутмаслиғи керак режиссёр. У актёрнинг руҳий жисмоний истеъдодини, ўзига хос томонларини оқиб билиши шарт. Режиссёр актёрга тушунтира билиши, уни ишонтира олиши ва ўзининг тасавури ва пьесани яхши ўргангани ҳақидаги тушуноқни актёр билишига еткази билмоғи лозим.

Малъура НАБИЕВА тайёрлаган.

## ОЛОВДА МАНГУЛИК ЖИЛОСИ

*Ватаним фарзандим қабри олиди  
Бош эзиб турман мажнунтола каби.  
Ҳаёлим банд этмиш сунғий бир савол:  
Бу ерда ётган ким — Аҳмад ё Наби?..*

*Биламан, ётмишин уруш сабаби,  
Кўёши ботмишин уруш сабаби.*

*Муштинлар онаси ўтди дунёдан,  
Кўз ёшим оқизиб кетган у йўлда.  
Чидолмак ҳеч ортиқ, қонли жанг бўлган  
Бир юртдан келгач, шум қора хат қўлга.*

*Умиди сўлишин уруш сабаби,  
Умрининг сўнишин уруш сабаби.*

*Дарёдан тинмайин оққан сувлардек,  
Кўп йиллар ушандан бери чун оқди.  
Онанинг ҳам-гусса буккан дол қадди  
Тош-ҳайкал бўлиб, ул ўтга тинч боқди.*

*Оловда мангулик мавжси, жилоси,  
Онада армонлар, Ватан ризоси.*

*Пураиқор Тошкентим, Она диёрим,  
Ҳур бўлиб одимлар янги тоғ сари.  
Йўрғилан ҳар зафар қону тер билан,  
Шула сабаб унда бир кетган руҳ бари.*

*Истиқлол боисдир тинчлик барқарор,  
Ул борки, кўрмагай она юрт озор.  
Баҳриддин НАСРИДДИНОВ.*

## БИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

## Шарк гурдоналари

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА  
ДОНО БИЛУВ...

◆ Нодонлик ўргатилмаган ҳайвонга ўхшайди. Кимки унга минса хор қилади ва кимки унга яқинлашса тўғри йўлдан оздиради.

◆ Нодон одам молни, ақлли одам эса фазлу камолни қидиради.

◆ Ишга киришиш ўйлиниб ўтиргандан яхши, ғафлатда қолиш эса кучли душмандан баттар!

◆ Маъмурнинг вазири Муҳаммад ибн Довуд кунлардан бир кун бир одамнинг шундай деб турганини эшитиб қолди:

*Ақл эгаси бўлсанг журъатга ҳам эга бўл,*

*Чунки журъат бўлмаса иккилашни юз берар.*

*Шунда у куйидаги байтни илова қилди:*

*Журъат эгаси бўлсанг шовил ишга солмоққа,*

*Чунки журъат бўлмаса ишни орқага сура!*

**Муҳаммад ЗЕҲНИЙ.**

◆ Мард билан улфат бўлган мардикка етади, номардга яқин юрган киши ғамдан чиқмайди.

◆ Мард одамнинг ваъдаси ҳам нақд, ҳам тез бўлади.

◆ Номард одам ҳақни қўйиб, ноҳаққа майл этади.

◆ Номард киши узрингни қабул этмайди, хатоингни эса кечирмайди. Разилона яшагандан мардона ўлган яхши.

◆ Заиф одам эҳтиёткорликни қўлдан бермаса душманини йиқади.

◆ Бирор нарсага ортиқча муҳаббат қўйиш кўзни кўр, қулқни қар қилади.

**«Аталар сўзлари»дан.**

◆ ҲИКОЯТ. Айтишларича, Хусрав Парвиз ўзининг қонхўр душманини ўлдириш мақсадида кучли захар тайёрлатган эди. Захарни шишага қуйдириб, ҳеч ким кўрмайдиган жойга осиб қўйди. Сўнг Ширинга тайинлаб деди: «Зинҳор бу шишанинг оғзини очма, ҳеч кимга кўрсатма, ҳақимлар ҳикмат юзасидан кўп йил уринишлардан сўнг ушбу нарсани юзага чиқардилар!»

◆ Айтишларича, кунлар ўтиб Ширин Фарҳод билан учрашиб қолди. Ширин унга илтифот тариқасида ўша шишадаги нарсадан қуйиб, узатди ва деди: «Бу шундай шарбатки. Хусрав унинг ҳар қатрасини жонидан азиз қўради, ҳеч кимга бир томчисини ҳам раво кўрмайди!» Ширин унинг қаттол захар эканини билмас, аксинча жон бағишловчи обиҳаёт шарбат деб ҳаёл қилар эди.

◆ Фарҳод Ширин қўлидан пиёлани олди ва уни оддий сувдек сипқариб юборди.

*Ҳар киши ишқ йўлида лоф урса-ю,*

*Жонидан кўркса, азар ишқ эмас!*

◆ Ширин ундан: «Қалай, асал эканми?» — деб сўради. Фарҳод «Билмадим, аммо уни сенинг қўлингдан ичганим учун асалдан ширин!» деди.

*Кимнинг юрагида ишқ бўлса пинҳон,*

*Захарни шакар деб қилади гумон!*

**ХУРРАМИЙ.**

◆ Бир ҳақимнинг айтишича, хушмуомалаликнинг ўн та белгиси бор. Улар қуйидагилар: инсоф, ақл, илм, ҳилм, олижаноблик, кўркам феъл, яхшилик, сабр, шукр, мулойимлик.

◆ Киши фаросат туфайли ён-атрофга, муҳитга, одамларнинг хатти-ҳаракатига қараб, вазиятни аниқлай билиш, кишиларнинг касбу қори ва феълани билиб олиши мумкин.

◆ Баён қилишларича, бирор идишга мой қуйиб қўйилган бўлса, унга мой қуйиб қўйилганини ташқаридан қараб билиш мумкин. Шунингдек, одамнинг ҳам юзи, кўзи, тили ва кўришишга қараб, дилида нима борлигини сезиб олиш мумкин.

**«Фавоқий ал-Жуласо»дан.**

◆ Бир куни бир ҳақимдан: «Ботирлик яхшими ёки ақлу тadbирми?» — деб сўрадилар. У эса: «Ботирлик тиг бўлса, ақлу тadbир кўллар. Агар уларга иш қилиш топшириладиган бўлса кўл тигсиз ҳам уни амалга ошира олади, аммо тиг кўлсиз бирор ишни амалга ошира олиши муаммо!» деб жавоб берди. Қитъа:

*Ақлу тadbирсиз киши қўлдан берар мол-мулкни,*

*Ақлу тadbирга суян бойлигим турсин десанг!*

◆ Бир ҳақимдан: «Қандай одам жазога лойиқ?» — деб сўрадилар. У эса: «Ҳеч қандай инсон жазога лойиқ эмас. Жазога лойиқ нарсалар ваҳший ҳайвонлар, одамларга зиён етказадиган илон-чаён каби газандалардир. Аммо шундай одамлар ҳам борки, уларнинг вужудида дарранда ва газандаларнинг хислати бўлади. Бундай кишилар қилган жазоларига қараб жазоланади. Шу тариқа кишиларни ҳатто одам дейиш ҳам ноўриндир» Шейр:

*Эла озор беран ҳар золим киши,*

*Аслида илону чаёндан баттар!*

**Абулбаракот ҚОДИРИЙ.**

**Махмуд ҲАСАНИЙ таржималари.**

## Ўзбекистон ва жаҳон

ФАРЗАНДЛАР КЎНГЛИМИЗНИ  
ТОҒДЕК КЎТАРДИ

Пойтахтимизда ўзбек миллий кураши бўйича жаҳон чемпионати зўр муваффақият билан аяқланди. Азалий паҳлавонлар юрти кейинги етмиш йил мобайнида ўз анъанасидан жудо этилиб, баҳодир фарзандлари камситилгани ҳозир уч яшар болага ҳам аён. Афросиёб, Сиёвуш, Алломиш, Аҳмад-Замчи, Паҳлавон Махмуд... ва халқ ўйинлари — курашларда ва жалдга енгилмас баҳодирлар ўзбек халқининг чуқур идилларидир. Улар бу мамлакат тупроғини босқинчилардан асраганлар, халқ шаън-шавкатини баланд кўтарганлар.

Ўзбек кураши жаҳонга юз туггани тан олиниб, қайтадан қад қўтаришининг ташаббускори Юртбошимиз хурматли Ислон Каримовдир. Қанина юракдаги ҳажонларимни босолмайман, касалхонада хаста ётган эдим, бу жаҳоний ўзбек кураши, ўзбек миллатимга хос ёш ва янги паҳлавонларни қўриб, ўрнимдан туриб тузалиб кетдим. Э, баракалла! Бор экансизлар-ку, азизларим — Тоштемир — паҳлавон Муҳаммадий ўғли, Камол — паҳлавон Мурод ўғли, Ақобир паҳлавон, Маҳтумкули паҳлавонлар... Офарин!

Жалолитдин Мангуберди ва Те-


мур Малик замонасида Аҳмад — Замнидан ташқари яна юзлаб Аҳмад паҳлавонлар бўлган. Амир Темур замонага келиб, Сулаймон — Хаш паҳлавон ва яна юзлаб Аҳмад ва Муҳаммад паҳлавонлар бўлгани тарих китобларидан бизга маълум. Аммо, минг афсус, ярим мустамлака даврида бу халқ курашлари йўқотилди, мансабдорлар Кремль калъасида ўтирган тураларнинг оёғини яладилар. «Пахтакор»ни туздиқ, аммо ичда ўзбек баҳодирлари бўлмади. Бўлса ҳам битта ё иккита, шунчаки номига... Боксда ҳам ҳеч ким йўқ. «Катта ога» полвонларига тикилиб ўтирадик. Ўз ғайрату қудрати ила жаҳон чемпиони бўлган машҳур боксчи Руфат Рискиев чиқди, лекин уни ҳам кўп вақт тилга олмаимиз. Дюдат тарозуси атайин бузиб қўйилган эди. Спортнинг бошқа турларида ҳам шўринг кургур ўзбеклар орқада, шунчаки номига қўшиб қўйиларди. Хатто Митрофанов номидаги ховузда ҳам, сув спортида ҳам ўзбекини кўрмас эдингиз. «Маҳаллий аҳоли»нинг спортга тоқати йўқ, олиб-сотарликни яхши қўради, деган Анишевлар ҳам қўланса хотирот бўлиб қолди. Ўз миллатининг ғамига қилсаң, сени миллатчи, деб таъна босиб, бошқа айбларни қўйиб, жиноят

кодекслари билан жувонмарг қилган вақтларни унутиб бўладими! Аллоҳга шукр, мустақиллик бу қора тамгаларни йўқотди, чинакам озошликка эришдик. Чет элларга Ўзбекистон номидан борадиган чемпионлар албатта «оғаларимиз»дан бўларди, улар гўё Ўзбекистон учун оёр келтирдилар. «Сен тинчгина пахтаингни эқ, узум еттиштир, биз уни еймиз... Спорт сенга нега керак...» дердилар...

Ўзбекистон пойтахти Тошкентда ўтган миллий кураш бўйича жаҳон чемпионати бу орда иштирок этган паҳлавонлар, узоқ Бразилиядан ва бошқа мамлакатлардан келган паҳлавонлар илгариги мустамлака сибсатини дабдала қилиб ташладилар, ўзбек паҳлавонлари ҳам қад кўтарди. Бу кетишда миллий кураш тури тез орада Олимпиада каторига қўшилади. Зўр иш бўлади! Юраклар барқ урмоқда. Биз ҳеч бир давлат паҳлавонларига гашлик қилмаймиз, қандини урсин, аммо ўз фарзандларимиз галбасидан кувнаймиз, фахрлимиз! Ҳеч ким бу туйғуни ман эмайди!

Яшанглр, паҳлавонлар!

**МИРМУХСИН,**  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.



Хаёл оғушида.

## Саломатлик

## СЕМИЗЛИК ДАРАМИ?

**Семизлик деганда тана тўқималари, асосан тери ости клеткаси, чарби ва бошқа аъзолар атрофида ортиқча ёғ массаси йиғилиши назарда тутилади.**

Ёғ босиши танада турли ўзгаришлар, яъни юрак иши қийинлашиб, қон айланishi бузилади, тананинг иш қобилияти ва касалликларга кўрсатадиган қаршилиги суъяди. Семизлик қангли диабет, ўт-шоҳ касаллиги, атеросклероз сингари бир қатор ички касалликларга олиб келади. Маълумотларга қўра иқтисодий ривожланган мамлакатларда ортиқча семиршадиган ўрта ёшдаги аёлларнинг ярми, эркекларнинг 20 — 40 фоизи ва болаларнинг 10 — 15 фоизи азият чекмоқда.

Тананинг ёғ босишига кўп оватк истеъмол қилиш, айниқса, хамири таомлар, сариёғ, ёғли гўшт, картошка, шакар ҳамда бошқа ширинликларни ейиш, кам ҳаракат қилиш, ички секретция безлари фаолиятининг бузилиши, асаб тизимидоги баъзи ўзгаришлар ҳамда одамнинг ирсий хусусияти сабаб бўлади. Семиз одамнинг вазнига қараб семизлик турт даражада, хусусан биринчи даража семизликда вазн меъёридан ўттиз фоиз, иккинчи даражада ўттиз-элик фоиз, учинчи даражада элик-юз фоиз, тўртинчи даражада эса меъёр-

дагидан юз фоиздан зиёд бўлади. Очқ-ойдин намоён бўлган семизликда киши ўзини лоҳас ҳис қилади. Тезда чарчаб, терлайди. Нафаси қисиб, хансирашга олиб келади. Семизлик уч босқидан иборат бўлиб, биринчи босқичдаги семизлик киши ҳавасини келтиради, иккинчи босқичдаги семизликда «масҳара» қиладиган даражада, учинчи босқичдаги семизлик эса атрофдагиларнинг раҳмини келтирди.

Киши ҳамманинг раҳмини келтирмайдиган даражада семиз бўлмаслиги, яъни меъёрдаги қомат кўринишига эга бўлиши учун оватк меъёрда истеъмол қилиниши, семирб кетишга олиб келадиган моддалар алмашинуви бузилишини вақтида давлатотиш керак. Шунингдек, ейиладиган оватк қувват сарфига, хусусан одамнинг касбига ва ҳаёт тарзига мос келиши лозим. Турғи ҳаёт кечирishi тартиб-қоидаларига амал қилиш — овқатланиш, меҳнат қилиш, дам олиш ва спорт билан мунтазам шуғулланиш, спиртли ичимликлар ичиш, тамаки чекиш сингари зарарли одатларга ружу қиймаслик одам вазнининг бир хил меъёрда ушланиш туришида асосий омил бўлади. Овқатланишдан олдин бир пиёла илқ сув, икки хил хўп мева ёки икки хил сабзавот истеъмол қилиб туриш ҳам фойдалан ҳоли эмас.

Бир ош қошқдан бўймадорон, маймунжон, тоқим-рутни яхшилаб яраштираиб, уни ўртача катталдаги чойнакка қўй сингари далаба, 10 — 15 дақиқа дам едириб ярим стақандан илқ ҳолда кунга уч маҳалдан ичиб турилса ортиқча семизликин олди олинади.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ,**  
доцент.



Муассис:  
Тошкент шаҳар  
ҳокимлиги

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

## ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида  
босилади. Қиноз босими А-2

Душанба, чоршанба  
ва жума  
кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги  
почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05  
телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа қозонини  
босмаҳонаси. Қорхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**